

“БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Умарова С.К.


Сирдарё агротехнологиялари техникуми

1. Инновацион технологияларнинг умумий тавсифи.

Инновацион технология тушунчаси лотинча Innovation technology – янги жараён усуллари маъносини ифодалаб, бирор бир жараёндан оптимал янги ва самарадорлик натижа олишнинг янги усулларидан бири сифатида юритилади. Инновацион технологияларнинг умумий турлари инновацион таълим технологиялари, инновацион ишлаб чиқариш технологиялари, инновацион бошқариш технологиялари, инновацион лойихалаштириш технологиялари, инновацион қурилиш технологиялари турларига ажратилади.

Инновацион технологияларнинг классификацияси ва тузилиши

Инновацион технологиялар соҳалари ва йўналишлари



2. Ўқув жараёнида “Бухгалтерия хисоби” фанининг тутган ўрни Касб-хунар таълим тизимида иқтисодий фанларни ўқитиш ва дарс машғулотларини ташкил қилишнинг назарий асосларида “Бухгалтерия хисоби” фани иқтисодий фанлар тизимидаги мукаммал аниқ фан сифатида эътироф этилади. “Бухгалтерия хисоби” фанининг иқтисодий аҳамияти ва ўрнини қўйидаги жихатлар билан кўрсатиб ўтиш мумкин: -иқтисодий хўжалик фаолиятини хисобини юритиш ва молиявий маблағларни харакатини бошқариш ва бирор бир хўжалик фаолитининг талаб ва таклиф муносабатларини шакллантиришнинг асосий фани сифатида эътироф этилади;

-фан ўзининг аниқ аналитик таҳлил кўрсаткичлари асосида хўжалик фаолияти молиявий барқарорлигини таъминлашнинг омиллари ва шартшароитларини кўрсатиб берувчи хисоб шакллари ва таҳлил формулалари билан аҳамиятга эгадир;

-фан иқтисодий фанлар ичидаги тадқиқот методологияси корхоналар иқтисодий фаолиятининг асосини ташкил этувчи фан сифатида юритилади; -мазкур фан юзасидан корхона ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий фаолиятини хисоби асосида истеъмол ва бошқа товар ва маҳсулотларга нисбатан эҳтиёжни молиявий муносабатлар асосида ташкил этувчи фан сифатида эътироф этилади;

-“Бухгалтерия хисоби” фани иқтисодий фанлар ичida корхоналар хўжалик молиявий аҳволини назорат қилишни таъминлашнинг асосий хисоб шаклларини кўрсатувчи иқтисодий фан сифатида хисобланади.

3. “Бухгалтерия хисоби” фанини ўқитишда инновацион технология усулидан фойдаланишининг аҳамияти.

“Бухгалтерия хисоби” фанини ўқитишнинг интерфаол методлар асосида ташкил қилиш ва ўқувчиларнинг фан машғулотини етарли даражада тўла ўзлаштириш имкониятини таъминловчи инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш юзасидан мулоҳазаларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Хозирда оммалашган педагогик технологиялар қаторида ўқитишнинг инновацион усуллари воситалари қаторида янги педагогик технологияла муҳим аҳамият касб этади. Уларни классификациясини юқоридаги жадвал асосидан кўриш мумкин. Сабаби ушбу инновацион педагогик технологиялар “Бухгалтерия хисоби” фанини ўқитишнинг ўқувчиларнинг юқори даражадаги ўзлаштиришини яхшиловчи омиллари сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин.

4. Сирдарё агротехнологиялари техникумида “Бухгалтерия хисоби” фанини ўқитишга доир янги инновацион технологиялар турларини ишлаб чиқиши лойихалаштириш

Техникумнинг “Бухгалтерия хисоби” фанини ўқитишга доир таҳлил ва ахборот маълумотларини келтириб ўтиб техникумда фанни чуқур ўргатиш ва

янги ўқитишининг замонавий инновацион шаклларини ишлаб чиқиш ўз навбатида техникум ўқувчиларининг хисоб маданиятини шакллантириши олдиндан лойихалаштириша ва мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган йўналишларни ўз ичига олади. Ушбу масалларни ҳисобга олиб техникумда “Бухгалтерия хисоби” фанини ўқитишини инновацион усуллар ва технологиялардан фойдаланишини лойихалаштиришини фанга қайси технологиилар мослиги, ўқитувчиларнинг педагогик маҳорат даражасини инновацион оширишнинг миллий талаблари, фанга доир ўқув адабиётларини турларини келтириш ва техникумнинг ўқув адабиётлар фондини шакллантишишнинг молиявий масаллари ва маҳаллий шароитлари, фан ўқитувчисининг фанга доир илмий-тадқиқот ишлари ва илмий изланишлари самарадорлигини шакллантириш каби масалалар ва йўналишлар шулар жумласидандир.

Бунда ўқувчилар хужжатлардан намуналарни кўриб чиқиш ва қайси молиявий хисоб операциясига таълуқли эканлигини кўриб чиқиши ва унга оид мисолларни еча олиши ўқувчиларнинг етарлича малакаларини шакллантиришишнинг омиллари сифатида хисобланади. Фан ўқитувчисининг касса чиқим ордерига оид тарқатма маълумоти йўқ бўлса ўқувчида чиқим касса ордери тўғрисидаги тушунча йўқ бўлади. Агар ўз навбатида ушбу тарқатма материалидан фойдаланилса, ўқувчида чиқим касса ордери маълумотномаси корхона ходимининг хизмат сафари ва бошқа холатлардаги кассадан пул маблағларини олиши ва тўлдирилиши лозим бўлган кассадаги хисоб-китоб операциялари тўғрисидаги билимларини мустахкамлаш имконияти юзага келади. “Бухгалтерия хисоби” фанини ўқитишининг инновацион таълим технологиялари методларини ишлаб чиқиш ва самарадорликни оширишнинг яна қўшимча омиллари қаторига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

-техникумнинг фан ўқитувчисининг интернетдаги бухгалтерия хисобини шакллантириш ва миллий хисоблар тизимини ривожлантиришга оид тегишли қонунлар ва қарорлар билан мунтазам танишиб бориши ва ўз навбатида амалий дарс машғулотларида мухокама қилиб бориш;

-фан машғулотлари бўйича техникумда олимпиада ва бошқа грант танловларини ишлаб чиқиш ва мукофотлар тизимини жорий этиш;
-техникумда фан ўқитувчисининг хисоблар тизимини янгича оптималь вариантларини излаб топишиги инновацион талаблар тизимини шакллантириб бориш;

Ўз навбатида фанни ўқитишининг инновацион технологиялар асосида шакллантириши сифат босқичини ривожлантириш техникумда ва туманда корхоналар хўжалик юритувчи субъектларнинг моиявий маблағлари хисобини

юритишининг малакали мутахассислари етиштиришдаги омиллардан бири сифатида эътироф этилади.

Юқоридаги Сирдарё агротехнологиялари техникумининг “Бухгалтерия хисоби” фанини ўқитишининг самарадорлик натижалари таҳлили ва фан ўқитувчисининг мавжуд таълимнин замонавий шаклларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг бир қатор омиллари ва натижалари таҳлил қилинди ва самарадорликка эришишинг омиллари келтириб ўтилди. Шу боисдан ўқитиши инновацион технологиялар асосида ташкил этиш ва ривожлантиришнинг техникум ўқув жараёнлари ва фан ўқитувчисининг дарс машғулотларини ташкил этиш иқтисодий, ижтимоий, маънавий, моддий имкониятларини ошириш техникумнинг таълим ва ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил қилишининг шарт-шароитлари ва йўналишларини яхшилашга олиб келади. Техникумда “Бухгалтерия хисоби” фанини ўқитишининг инновацион технологиялари ва шаклларидан фойдаланиш имкониятлари ошириш техникумнинг иқтисодчи малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимининг сифатини оширишнинг омилларидан бири сифатида эътироф этилади.

ФОЙДАЛАНИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.– .: Шарқ нашриёт – матбаа концерни, 1997. – 31 – 64 б.
3. Абдуқодиров А.А. ва бошқалар. «Case-stady» услуби: назария, амалиёт ва тажриба.-Т.: Тафаккур қаноти, 2012.-134 б.
4. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари.–Т.:Низомий номидаги ТДПУ, 2004
- 5.Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог–ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2008.–180 б..
6. Иноятов У.И., Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. 2012 й. Тошкент, “Илм-Зиё” нашриёти. 12 б.т. 29.
7. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б. 30.
- 8.Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ Ризографи, 2014 йил. 6,5 б.т.

ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ

1. <http://www.edu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги портали,
2. <http://www.uzedu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги портали,
3. [http:// www.rtm.uz](http://www.rtm.uz) – Республика таълим маркази сайти
4. [http:// www.dtm.uz](http://www.dtm.uz) – Республика тест маркази сайти
5. <http://www.bimm.uz> - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик маркази сайти,